

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
АКАДЕМИЯСИ**

САИДОВ ШОХРУХХОН МУЗАФФАРОВИЧ

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚ ИЖОДҚОРЛИГИ
ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ
ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Саидов Шохруххон Музаффарович

Прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш масалалари.....3

Saidov Shokhrukhkhon Muzaffarovich

Organizational and legal foundations of the law-making activities of the prosecutor's office and issues of their improvement.....21

Саидов Шохруххон Музаффарович

Организационно-правовые основы правотворческой деятельности органов прокуратуры и вопросы их совершенствования37

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....41

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үч.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
АКАДЕМИЯСИ**

САИДОВ ШОХРУХХОН МУЗАФФАРОВИЧ

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ
ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ
ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Үу357 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рузиев Зафар Райимович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Муҳамедов Ўткирбек Ҳазратқулович юридик фанлар доктори, профессор Комилов Авазбек Бокижонович юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 21 декабрь куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2022 йил 7 декабрда тарқатилди.

(2022 йил 7 декабрдаги 17-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х. Пулатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Л.Х. Исоқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар доктори, доцент

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнги йилларда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва прокурор назорати фаолияти натижаларининг таъсири тобора кучайиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда айрим хорижий мамлакатлар прокуратура органларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган бўлиб, биргина МДХ давлатларида прокуратура органлари ташаббуси билан 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган¹. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқни қўллаш жараёнида аниқланган муаммоларни бартараф этиш воситаси сифатида прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнга ҳуқуқ ижодкорлигининг замонавий механизмларини жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, хусусан, ҳуқуқ ижодкорлигининг назарий-методологик таҳлили ҳамда унда прокуратура органлари иштирокининг умумий тавсифи, яъни прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг мақсади, ўзига хос хусусиятлари ва принциплари, прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштироки шакллари ва уларни амалга оширишда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги, прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини баҳолаш соҳаларига муҳим илмий аҳамият касб этувчи тадқиқот йўналиши каби алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини ҳамда ишлаб чиқиётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш”² 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан бири бўлиб, бу эса прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришни долзарб вазифа этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура

¹ www.epp.genproc.gov.ru

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

органларининг ролини кучайтириш тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сон, “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 15 февралдаги ПФ-5343-сон, “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонлари ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг айрим жиҳатларига бағишланган бир қанча илмий ишлар олиб борилган. Хусусан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда прокуратура органлари фаолияти ва функциялари, уларнинг ривожланиш тарихи, шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириши билан боғлиқ айрим масалалар Д.Х.Абдукадыров, Ш.Н.Бердияров, З.С.Ибрагимов, Х.А.Каримов, Е.В.Коленко, А.Б.Комилов, О.Мадалиев, Г.Р.Маликова, М.М.Мамасиддиқов, М.Махбубов, Д.М.Миразов, Ҳ.Т.Одилқориев, Б.Х.Пулатов, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Рустамбоев, А.Х.Саидов, Т.А.Умаров, М.А.Хусанова ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

МДХ давлатларида прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти Р.Р.Абляскин, Т.А.Ашурбеков, С.Н.Бабаев, А.И.Баженов, И.Ж.Бахтыбаев, В.Г.Бессарабов, А.Ю.Винокуров, С.Х.Джиоев, Р.Ш.Досымбекова, К.А.Дунбинская, А.А.Жидких, Е.Л.Забарчук, И.А.Залужная, М.У.Заидова, Д.В.Иванюшко, М.М.Какителашвили, В.А.Ковин, С.Г.Манакова, В.В.Олейник, И.В.Орловская, Дж.Р.Паштов, О.Н.Петрова, А.С.Саломаткин, Е.Ю.Хуторецкая, В.Ю.Шабухин, М.С.Шалумов, Н.Э.Шалумова ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари ушбу масаланинг у ёки бу жиҳатларига бағишланган.

Хорижий давлатларда Д.Гловка, У.Крастинс, А.Кучс, В.Лакуер, В.Лихолажа, А.Ниедре, Д.Ормерод, Э.Трэлс, Ж.Хупер, Ж.Эаглин ва бошқа олимларнинг илмий ишларида прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштироки масалалари баён қилинган¹.

Шунга қарамасдан, мамлакатимизда прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари алоҳида монографик тадқиқот иши даражасида комплекс ўрганилмаган.

¹ Мазкур манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

прокуратура органларида ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ривожланиш тарихини пухта таҳлил қилиш;

ҳуқуқ ижодкорлигининг назарий-методологик асосларининг мазмун-моҳиятини очиқ бериш ҳамда унда прокуратура органлари иштирокининг ўрни ва ролини аниқлаш;

прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг принциплари ва ўзига хос хусусиятини тадқиқ қилиш;

прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ҳамда мазмун-моҳиятини очиқ бериш;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар билан прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги ўзаро ҳамкорлиги механизмларни такомиллаштиришга оид хулосаларни асослантириб бериш;

прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини баҳолаш тизимини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш асосида ижобий тажрибани мамлакатимизга татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш орқали уларни ривожлантириш юзасидан илмий асосланган тавсия ва таклифларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, статистик материаллар ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тизимли тузилмавий, киёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, кузатув, тадқиқот ўтказиш, махсус-илмий ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий Мажлисидаги доимий вакили институтини таъсис этиш зарурлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарзидаги буйруқлар қабул қилиниши ва қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги асослаб берилган;

прокуратура органлари томонидан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили натижасида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш заруратининг аниқланганлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга асос бўлиши зарурлиги илмий исботланган;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш яқунлари прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга асос бўлиши лозимлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“ҳуқуқ ижодкорлиги” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жихатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётнинг 102-бандини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Регламентининг 33-бандига прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-бўлимини “Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш” деб номланган янги 11-боб билан тўлдириш таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек, диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар), қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар прокурор назорати, давлат

ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, юридик техника фанларида мавжуд бўлган назарий қарашларга, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормаларига, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, шу билан бирга, ижтимоий сўров натижаларига асосланганлиги билан белгиланади. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ундаги назарий хулоса ва таклифлар прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини шарҳлаш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Прокурор назорати”, “Маъмурий ҳуқуқ” фанлари илмий-назарий бойитишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий ишнинг натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий Мажлисдаги доимий вакили институтини таъсис этиш ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони 2-илоvasи билан тасдиқланган “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастурининг 21-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 июлдаги 12/21-49-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга, шу жумладан, ушбу масалаларни қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарзидаги буйруқлар қабул қилиши ва қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 22-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 2 июлдаги 27/157-22-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши Бош прокурор томонидан норматив тусда қабул қилинадигин буйруқнинг ҳуқуқий мақомини қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланишига хизмат қилган;

прокуратура органлари томонидан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили натижасида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш заруратининг аниқланганлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини

ишлаб чиқишга асос бўлиши ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 22-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 2 июлдаги 27/157-22-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг асосларини белгиланишига хизмат қилган;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини ўрганиш яқунлари прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга асос бўлиши ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 22-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 2 июлдаги 27/157-22-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг асосларини белгиланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича диссертацияларнинг асосий илмий натижалари жами 17 та илмий журналларда 9 та (шундан, 2 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси ҳамда эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга оширишда прокуратура органлари иштирокининг тарихий ва назарий асослари**” деб номланиб, у ўз ичига учта параграфни камраб олади.

Мазкур боб доирасида прокуратура органларининг ривожланиш тарихи муаллиф томонидан уч даврга ажратилган ҳолда илмий таҳлил қилинади.

Хусусан, **биринчи даврда** (*Чор Россияси мустамлакаси даври*) Ўзбекистон худудида прокуратура органларининг шаклланиши рўй берганлиги, XIX асрда Россия Марказий Осиёни босиб олгунига қадар бўлган даврда Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида прокуратура ёки у сингари орган фаолият кўрсатмаганлиги, прокурор назорати институти илк маротаба 1867 йилги Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги вақтинчалик низомда назарда тутилганлиги таъкидланади. **Иккинчи даврда** (*Собиқ Иттифоқ даври*) Ўзбекистон худудида прокуратура органларининг тугатилиши билан бошланиб, кейинчалик қайтадан ташкил этилиши ҳамда мустақил орган сифатида шаклланиши исботланади. Тадқиқотчи бу даврдаги қонунчилик ҳужжатларини пухта таҳлил қилган ҳолатда, ушбу даврнинг ўзига хослигини илмий таҳлил қилади ва фуқаролар ва муассасалар фаолияти қонунийлиги устидан назорат (умумий назорат), жиноятларни тергов қилиш фаолияти қонунийлиги устидан назорат, суд органлари фаолияти қонунийлиги устидан назорат (суд назорати), жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан назорат турли давлат органлари томонидан амалга оширилганлигини ифодалаб беради.

Шу билан бир қаторда, муаллиф **учинчи давр** – мустақиллик йилларида прокуратура органларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб, прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти нисбатан янги йўналиш шаклланганлигини ҳамда сўнгги беш йил ичида сезиларли даражада ривожланганлигини таъкидлайди.

Тадқиқотчи мазкур боб доирасида бир қатор миллий ва хорижий олимларнинг (*А.П. Мазуренко, Ю.Ю. Ветютнев, Е.И.Козлова, О.Е. Кутафин, А.М. Хашимхонов ва б.*) ҳуқуқ ижодкорлиги борасидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганган ҳолда, уни **кенг ва тор маънода** тушуниш кераклигини, шунингдек қонунлар ва юридик техника талабларига зид равишда ишлаб чиқилган ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишни ҳуқуқ ижодкорлиги деб ҳисоблаб бўлмаслигини таъкидлайди.

Изланишлар натижасида тадқиқотчи **ҳуқуқ ижодкорлиги** ва **қонун ижодкорлиги** тушунчаларига алоҳида тўхталиб, *ҳуқуқ ижодкорлиги* бу барча ваколатли органларнинг, давлатнинг ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва нашр этиш бўйича фаолияти бўлса, *қонун ижодкорлиги* – бу қонун чиқарувчи ҳокимият органлари томонидан қонунларни яратиш ва қабул қилиш жараёнидир, деб баҳолайди. Якунида юқоридаги тушунчалар бўйича қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилади:

Ҳуқуқ ижодкорлиги деганда, ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар, шунингдек, аҳоли томонидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш заруратини аниқлаган ҳолда ҳуқуқий нормаларни яратиш, ўзгартириш, бекор қилиш бўйича фаолияти тушунилади.

Қонун ижодкорлиги деганда, қонунларни қабул қилиш йўли билан ҳуқуқий нормаларни қабул қилишни тушуниш мақсадга мувофиқ. Бунда қонун ижодкорлиги – давлат ва унинг органлари фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири, уларнинг фаоллиги шакли бўлиб, унинг бевосита мақсади

ҳуқуқий нормаларни шакллантириш, уларни ўзгартириш, бекор қилиш ёки тўлдириш ҳисобланади.

“Норма ижодкорининг ўз ваколатидан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш фаолияти – **норма ижодкорлиги** фаолияти ҳисобланади”.

Шу нуқтаи назарда келиб чиқиб, тадқиқотчи ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиш прокуратура фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлигини, прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок эта туриб, бир вақтнинг ўзида, ўзига юклатилган қонун устуворлигини таъминловчи ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясини амалга оширишни асослаб берган.

Диссертант томонидан прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлигидаги иштирокининг **10 та** принциплари (*қонунийлик, демократия, ошкоралик, инсонпарварлик, одиллик, ҳуқуқ ижодкорлигининг илмий асосланганлиги, касбий маҳорат, тизимлилик ва изчиллик принциплари, ҳуқуқ ижодкорлигининг доимий ривожланиши ва ўз вақтида амалга оширилиши*) алоҳида ажратиб кўрсатилади. Сабаби ушбу принциплар прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлигидаги бош мезон ҳисобланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирокининг механизмлари**”га бағишланган бўлиб, у ўз ичига уч параграфни қамраб олган. Мазкур бобда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокининг ҳуқуқий асослари, уларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштироки шакллари ва бу борада давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги, шунингдек прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини баҳолаш масалалари илмий таҳлил қилинган.

Изланувчи ушбу боб доирасида прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки борасидаги қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилади. Бу жараёнларда алоҳида эътибор Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг дастлабки босқичида прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги функцияси кескин кучайганлигига қаратилади. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича 2017–2021 йилларда қабул қилинган давлат дастурларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси зиммасига **52 та** (2017 йилда – **21 та**, 2018 йилда – **20 та**, 2019 йилда – **3 та**, 2020 йилда – **6 та** ҳамда 2021 йилда – **2 та**) муҳим ва долзарб норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бевосита ишлаб чиқиш ҳамда 139 та (2017 йилда – 39 та, 2018 йилда – 39 та, 2019 йилда – 36 та, 2020 йилда – 15 та ҳамда 2021 йилда – 10 та) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиш вазифаси юклатилганлиги асосланганлиги асосланганлиги.

Таҳлиллар натижасида, тадқиқотчи сўнгги йилларда прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки сезиларли даражада фаоллашганлигини инобатга олиб, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунни “**Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш**” деб номланган алоҳида модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги хулосага келади.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги вақтда прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги ваколатлари ва уларни амалга ошириш тартиби Бош прокуратуранинг ҳуқуқий ҳужжатларида етарли даражада тартибга солинмаганлиги боис, **Бош прокуратуранинг услубий тавсияларини** ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланади.

Мазкур боб доирасида алоҳида аҳамият прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштироки шакллари ва уларни амалга оширишда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги масаласига қаратилади. Тадқиқотчи илмий адабиётларга мурожаат этган ҳолда прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки шаклларини таҳлил қилади. Бу жараёнларда бир қатор олимлар (*А.И.Алексеев, В.Б.Ястребов, Р.Р.Абляскин, Н.В.Григорьева, Ю.Е.Винокуров, В.Г.Бессарабов, Р.Б.Хуторецкий, В.П.Рябцев, А.А.Жидких, Е.Л.Забарчук, А.С.Саломаткин, Ю.А.Тихомиров, Л.В.Андриченко, В.А.Ковин, М.С.Шалумов*) билан илмий мушоҳадага киришади.

Ушбу олимларнинг илмий қарашларида принципиал зиддиятлар мавжуд эмаслигини, шунингдек, уларнинг фикрлари турли вақтларда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида шаклланганлигини исботлаб беради. Натижада, диссертант прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши шаклларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш учун уларни **асосий** ва **қўшимча** шаклларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ, эканлиги ҳақидаги илмий хулосага келади.

Албатта бу жараёнларда давлат органлари билан ҳамкорлик жуда ҳам муҳим эканлигини, бунда энг асосий ўринни прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишининг нисбатан кенг қўлланиладиган йўналиши **қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан** фойдаланиш эканлигини таъкидлайди. Миллий олимларимизнинг (*М.А.Ахмедшаева, Д.Х.Абдукадыров, М.А.Хусанова*) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи борасидаги илмий қарашларига алоҳида аҳамият қаратади ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўзининг қуйидаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқади.

Қонунчилик ташаббуси – *бу тегишли ваколатга эга органлар ва мансабдор шахсларнинг қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳасини кўриб чиқиш мажбуриятини келтириб чиқарадиган, қонун лойиҳаларини ёки амалдаги қонунларга ўзгартириш киритиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни киритиш ҳуқуқидир.*

Тадқиқотчи, Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи билан киритилган ҳамда қабул қилинган қонунларнинг (2017–2020 йилларда – жами **28 та**) мазмунини таҳлил қилади, улар прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш (**7%**), жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш (**50%**), жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш (**21 %**), инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш (**14%**), ижро юритуви самарадорлигини оширишга (**7%**) қаратилганлигини эътироф этади.

Таъкидлаш керакки, прокуратура ходимлари фаолиятини баҳолаш бошқарувнинг муҳим омили саналади. Шу боис, изланувчи прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиши унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланишини билдиради. Энг, асосийси прокуратура органлари фаолиятини баҳолаш бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмаганлигига алоҳида аҳамият қаратади.

Таҳлиллар натижасида, прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки самарадорлигини баҳолаш электрон тизим орқали амалга оширилиши ҳақидаги хулосага келади. Бунинг учун алоҳида электрон платформанинг КРІ дастурий таъминотида ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар киритиб борилишини ҳамда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган ҳолда тегишли баллар қўйилишини, бунда КРІ дастурига маълумотларнинг тўғри киритилиши ва асослантирилувчи ҳужжатларнинг илова қилинган ҳолда юкланишига тегишли прокуратура органи ходимлари масъул бўлиб ҳисобланишини таъкидлайди.

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация ишининг **“Прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокига оид хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари”**, деб номланган учинчи боб ўз ичига иккита муҳим параграфни қамраб олади. Мазкур боб доирасида хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини такомиллаштириш истиқболлари ўз аксини топган.

Хусусан, прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиши кўп жиҳатдан мамлакат ҳуқуқий тизими (*романо-герман, англо-саксон, диний-анъанавий ҳуқуқ оиласи*), давлат тузилиши (*унитар ёки федератив*), прокуратуранинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва аҳамияти (*мустақил давлат органи, суд ёки ижро ҳокимиятига мансуб*), давлатнинг тарихий, ҳуқуқий урф-одатлари ва бошқа миллий хусусиятлари каби омилларга боғлиқ эканлиги таъкидланади.

Шу боис, **АҚШ, Ғарбий ва Шарқий Европа** давлатлари, **Япония, Испания, Португалия, Сербия, Хорватия, Вьетнам, ХХР, КХДР, Куба, Перу, Польша** ва **МДХ** каби давлатларда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинади.

Таҳлиллар натижасида, тадқиқотчи хорижий прокуратура органларининг **ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишининг бир қатор шакллари асослаб беради**. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, бекор қилиш ва қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш, ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш зарурлигини аниқлаш (*Латвия*), қонун лойиҳаларини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва парламентга тақдим этиш (*Куба, Перу, Вьетнам*), бошқа давлат органлари томонидан

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш (*Корея, Аргентина, Грузия*), ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бериш (*АҚШ, Польша*), бошқа давлат органларига маслаҳатлар бериш (*АҚШ, Исроил, Эрон*) каби шакллар изоҳлаб берилди.

Бу борада тадқиқотчи томонидан халқаро стандартларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Хусусан, изланувчи МДХга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг XXVII ялпи мажлисида қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги намунавий қонунини пухта таҳлил қилади ва миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича таклифларни илгари суради.

Хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинади:

биринчидан, прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши прокуратуранинг асосий вазифаси ҳисобланмайди (Ўзбекистон Республикасида ушбу масала “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади) ҳамда ушбу вазифа унчалик кўп бўлмаган давлатларнинг конституцияларда, прокуратура тўғрисидаги қонунларда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган;

иккинчидан, дунёнинг аксарият давлатларида замонавий шароитларда прокуратура органлари ўзининг асосий функциялари билан бирга қўшимча функцияларни ҳам амалга оширади;

учинчидан, ижобий хорижий тажриба сифатида Бош прокуратуранинг Олий Мажлисидаги Ваколатли вакили лавозимини жорий этиш таклиф этилади;

тўртинчидан, Бош прокурорнинг Олий Мажлис Сенатидаги ҳисоботида прокурор назоратини амалга ошириш давомида аниқланган қонунчиликдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликлар тўғрисида маълумот киритишни, шунингдек, қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликлар тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб бориш механизмининг назарда тутиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосаларга келинади.

Шунингдек, ушбу параграф доирасида диссертант прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокининг норматив-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бунда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокининг норматив-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришнинг қуйидаги **10 та** устувор йўналишларини ажратиб кўрсатади.

– “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида амалга ошириладиган функциялари тўғрисидаги, уларнинг предмети ва прокурор ваколатларини белгилайдиган **мустақил боб билан тўлдириш** ва ҳудудий прокуратура органлари томонидан маҳаллий кенгашларга кўриб чиқиши учун қарор лойиҳасини киритиш ваколатини бериш;

– тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимидаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш мақсадида прокуратура органларини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича хулоса берувчи орган сифатида белгилаш;

– “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғини қабул қилиш, шу билан бирга прокурорларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ишида иштирокининг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва кенг тарқатиш мақсадида, бу борадаги амалиёт бўйича **мунтазам йиғма таҳлилий маълумотнома тайёрлаш** тизимини жорий этиш;

– ҳозирги вақтда ҳуқуқий мониторинг тизими самарали ишламаётганлигини инобатга олиб, мазкур жараёнда **прокуратура органларининг иштирокини кучайтириш**, ҳуқуқий мониторинг жараёнида тўпланадиган маълумотлар асосида Бош прокуратуранинг кейинги йилга мўлжалланган **қонун ижодкорлиги дастурини** шакллантириш;

– прокуратура органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг **коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишдаги роли ва иштирокини** кучайтириш;

– прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини **ташкилий қўллаб-қувватлаш даражасини** ошириш;

– “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида амалга ошириладиган функциялари тўғрисидаги, уларнинг предмети ва прокурор ваколатларини белгиладиган **мустақил боб билан тўлдириш**;

– ҳуқуқ ижодкорлигининг замонавий тенденциялари билан батафсил таништириш ва прокуратура органларининг бу борадаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида мазкур фаолият билан банд бўлган прокуратура ходимларининг **касбий тайёргарлиги даражасини мунтазам ошириб бориш** зарурлиги асослаб берилган.

ХУЛОСА

Прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид юридик илмий адабиётларни, мазкур масала юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини, статистик маълумотларни ҳамда хорижий давлатлар қонун ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш уни такомиллаштиришга оид қуйидаги таклиф ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилишига асос бўлди:

I. Илмий-назарий аҳамиятдаги хулосалар:

1. “Ҳуқуқ ижодкорлиги”, “норма ижодкорлиги” тушунчаларига қуйидагича муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

“Хуқуқ ижодкорлиги бу – ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар, шунингдек, аҳоли томонидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш заруратини аниқлаган ҳолда ҳуқуқий нормаларни яратиш, ўзгартириш, бекор қилиш бўйича фаолияти”.

